O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

# 6 МАРТ — ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ ҚУТЛУҒ,
# 8 МАРТ — МУҲТАРАМА АЁЛЛАР, АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

| 1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2001 йил 6 - 12 март | № 10 (214) | Сотувда эркин нархда |
|---|---|---|---|

*Адлия вазирлигида семинар-кенгаш*

## МАВЗУ – ШАРТНОМАВИЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Прокуратураси, Олий хўжалик суди ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-кенгашда мамлакат Агросаноат комплекси тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, юридик хизмат ходимлари ва шартномавий муносабатларга масъул шахслар иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Б.Мустафоев олиб борди.

«Агросаноат комплекси таркибига кирувчи корхоналарда шартномалар тузиш ва улар ижросини таъминлашнинг аҳволи тўғрисида» маъруза қилган вазирлик бўлими бошлиғи Шокир Саидов жумладан шундай деди:

«Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган 2000 йил якунлари ва 2001 йилдаги иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда «...шартномаларни тўғри тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш тизимида, айниқса қишлоқ жойларда энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда» деб танқидий фикр билдирдилар.

Таъкидландики, бундай камчиликларни бартараф этиш масъулияти Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Тўғри, амалда қонунлар ижроси билан бирга шартномалар ижросини ҳам таъминлаш ўта суст олиб борилмоқда. Камчиликлар агросаноат комплексида кўпроқ содир этилмоқда. Бунда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳам айби бор. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тузиладиган контрактация шартномалари борасида ҳам шартномалар тузиш ва бажариш жараёнида қатор камчиликлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан тузилаётган контрактация шартномаларида асосан етказиб бериладиган маҳсулот баҳоси, шартноманинг умумий қиймати, томонларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарлиги, бериладиган аванс пулларининг миқдори, унинг тўланиш муддатлари, шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун томонларнинг жавобгарлик меъёрларини аниқ белгиламасликлари, контрактация шартномаларининг маҳсулот тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекцияси томонидан кечиктирилиб рўйхатдан ўтказилиши каби камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бугун биргаликда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида фикрлашиб олиниши керак».

Тадбирда Република деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Э.Қурбонов, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси бошлиғи М.Қўшбоев, «Ўзагросуғурта» компанияси бошқармаси бошлиғи Р.Ҳикматов, Республика Молия вазирлиги вакили К.Тошматов ва бошқалар ўз мулоҳазалари билан иштирок этишди.

Йиғилишда хўжалик юритувчи субъектлар, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ва такомиллаштириш, самарали ишлашни таъминлашга оид кўплаб жиҳатлар таъкинланди.

**Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун»нинг
махсус мухбири**

# ҚУТЛОВ

*Азиз онажонлар, дилбар сингиллар,
Аёллар, орзунгиз энди ушалсин.
Тошлардан юрсангиз кўкарсин гуллар,
Қутлуғ пойингизга жамбил тўшалсин.*

*Чинор соя бўлсин она бошига,
Толлар сингилларга ҳалинчак бўлсин.
Келинлар етсинлар момо ёшига,
Қизалоқлар ўсиб, келинчак бўлсин.*

*Уйингиз ёришсин вафо нуридан,
Меҳр гулхан бўлсин, садоқат - чироқ.
Биз сизга жой бердик кўнгил тўридан -
Энди йўлимиз пок, бошимиз тикроқ.*






*Долзарб суҳбат*

## «БАРЧАНИНГ БАҒРИ БУТУН БЎЛСИН»

***дейди, Ангор тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Рисолат РАВШАНҚУЛОВА.***



**- Рисолат опа, жорий йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинишини ҳар ким ўзича изоҳлаётир...**

- Доно ва улуғ йўлбошчимиз Ислом Каримов фақат халқ, миллат манфаатини кўзлаб, кетма-кет уч йилни мантиқан бирбирига ўхшаш номлар билан атамоқдалар. Бу бежиз эмас, албатта. Онанинг бағри бут, иймони ва вужуди соғлом бўлмас экан, комил фарзандни тарбиялаб бўлмайди. Баркамол авлодсиз юрт тараққий этмайди. Мен ҳар доим ҳам ўтмишни қоралаб, ўз-ўзимизга таскин беришимизга қаршиман. Нима бўлса, бўлди. Ўтган ўтди, энди келажак учун жиддий қайғуриш вақти етди. Ҳозир сир эмаски, туман ва вилоят марказларида, айниқса, турли миллат вакиллари аралашиб яшайдиган марказий шаҳарларда сабаб-бесабаб эридан ажралишиб яшайдиган «ёлғиз она»лар кўпайиб бормоқда. Албатта, эрли ёки эрсиз яшаш аёлнинг шахсий иши ва ҳуқуқи. аммо миллий ва маънавий удумларимизга бундай «маданият», таъбир жоиз бўлса, «жинсий эркинлик» тушунчаси қачон ва қаердан ташриф буюрди? Тўғри, қарс икки қўлдан чиқади. Лекин бирмунча европалашган «маданиятли» ёлғиз аёллар билан қўшни, ҳамсоя бўлиб яшаётган анойи сингилларимиз, қизларимиз «устоз»ларга тақлид қилиб, эрларининг юз-кўзига тик қараб, бир гапдан қолмай ёқавайрон бўлиб, натижада эрсизлар сафига қўшилиб бормаяптими? Эр-хотин ажралишса, давлат олдида уй-жой муаммоси пайдо бўлади. Ўлмаганга бошпана топилар, аммо фарзандларга ота-она меҳри-чи? Бунинг зарарини сўмлар билан ўлчаб бўладими?

Мен қўйди-чиқдилар туфайли ажралишларнинг аксариятида аёлни қоралагим келади. Мени кечиришсину ишдан ҳориб, асаблари бузилиб келган эркакка табассум билан пешвоз чиқиш, кийим-бошларини эгнидан олиб, қўлларига сув қуйишни эплай олмаган аёлни аёл деб атагим келмайди. Такаббурлик қилиш, «эр билан ҳуқуқим тенг» деб ман-мансираш борабора оиланинг парчаланишига олиб келади. Ахир, «ёлғиз аёл» бош қўйган болишнинг ярмига шайтон бош қўймайдими?

**- Назаримда, ярашитириш комиссияси, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси каби жамоат ишларининг ўзига хос муаммолари билан яхши танишга ўхшайсиз?**

- Рост. Сиз юқорида санаб ўтган ташкилотлар, ўз-ўзини бошқариш органлари билан биргаликда бир талай муаммоларни ҳал этдик. Оилавий муаммолар, яъни биринчи галда ажралишларнинг бош сабаби бўлган муаммолар билан яқиндан танишман. Биз ФҲДЁ ходимлари учун бошга калтакдек келиб тушаётган муаммолардан энг биринчиси бу қонуний никоҳсиз туғилган болаларга оталик белгилаш. Қўрсроқ қилиб айтганда, «иши битган» ота жуфтакни ростлаб қолади. Дунёга келган чақалоққа эса отаси қолиб, онасининг фамилияси берилади. Бола бир куни вояга етгач, онасидан «Нега менга отамнинг эмас, сизнинг фамилиянгизни беришган, мен отасиз туғилганмидим?» деб сўраса, бир пайтлар «ёшлик-бебошлик» қилиб қўйган она нима деб жавоб бераркин? Маънавий қашшоқ оилаларда ўсган қизлар кўп ҳолларда «ёлғиз она»га айланиб қоладилар. Ана бизнинг оғриқли жойимиз. Чунки ўз навбатида ўша қиз онасининг ёшликда йўл қўйган хатосини такрорлайди. «Ёлғиз она»ларнинг кўпайиши - бу жамиятнинг маънавий заволи. Ўтган икки йил мобайнида Ангор туманида 41 нафар «ёлғиз она» қайд этилди. Қиз бола балки ахлоқсизлиги, гўл ва маънавиятсизлиги туфайли илк фарзанд севинчини, оналик бахтини жуфти билан баҳам кўрмайди. Жуфтлашганларнинг ҳаммаси ҳам ота-она деган шарафли мақомга эга бўлавермайди. Фараз қилинг, «ёлғиз она» қуйидаги тахлитда бизга ариза ёзади:

«Мен қонуний никоҳда бўлмаганлигим сабабли фарзандимга ўзимнинг фамилиямни беришларингизни сўрайман».

Нақадар ярашиқсиз, қалтис, иснодли ариза бу, заррача виждони бор инсон учун. Шундай эмасми?

**- Рисолат опа, албатта бундай муаммолар ҳеч ким учун янгилик эмас, умумий гаплар билан тўхталавериш мумкин. Аммо ҳар бир иш ҳам самараси, натижаси билан гўзал ва хайрлидир...**

- Агар сизга менинг тажрибам вилоятдаги барча ҳамкасбларимга, раҳбарларимга маъқул келди ва кенг миқёсда қўлланилмоқда десам, мақтанчоқликка йўйманг. Бу бор гап. Масалан, оталикни белгилаш муаммосининг келиб чиқаётганлигига яна бир сабаби шуки, айрим бойвачча эркаклар гўзал, жозибадор қизларни пул, қимматбаҳо тақинчоқлар, турфа кийимлар ширин ваъдалар билан алдаб, йўлдан урадилар. Пул нималарга қодир эмас, дейсиз. Аксарият хотин-қизларнинг энг заиф томонлари ҳам мана шу ялтир-юлтирларга ўчликда. Сўнгра икки ўртада жанжал бошланади. Бойвачча эркак яна шайтонлигини ишга солади. Алданган қизни тағин алдайди. Ўзига таниш бир муллани олиб келади-да, қизни шаръий никоҳига олади. Қарабсизки, меҳрибон, шаърий эр қиёфасига кириб, алданган жуфтининг ишончига киради. Жароҳат вақтинчалик малҳам остида бўлади. Кейинроқ у-буни баҳона қилиб, орани очиқ қилиб юборади.

Биз бир ташаббус билан ҳокимлик ва ҳуқуқ-тартибот идораларига чиқдик. Яъни туманимиздаги муллаларга шаръий никоҳ ўқиш ваколатини берадиган гувоҳномалар топширилди. Мазкур гувоҳнома эгаси ФҲДЁ бўлими томонидан расман эр-хотин деб эълон қилинган жуфтликларнинггина никоҳини ўқишга ҳақли бўлади. Шу тариқа вояга етмаган қизлар ёки бошқа номутаносиб ҳолларда келин-куёвларга никоҳ ўқилишига чек қўйилди. Биринчидан, гувоҳномаси бўлмаган муллага келин-куёвлар никоҳини ўқиш қатъиян таъқиқланди. Иккинчидан, ўша юқорида айтилган 41 нафар «ёлғиз она»ларнинг жуфтларини ФҲДЁ бўлимига таклиф этиб, инсофга чақирдик. Натижа ёмон бўлмади. 20 нафар «ёлғиз она»нинг фарзандларига отасининг насаби билан фамилия берилди. Гўдаклар вояга етсалар ўксиб юришмайди. Балки оталари билан топишиб кетадилар. «Ёлғиз она»лар сони ҳам кескин камайди.

Учинчидан, бўлимимизга турмуш қуриш истагида ариза берган бўлажак келин-куёвларга туман марказий поликлиникасининг ҳакимлари кўригига йўлланма берамиз. Агар тўрт мучалари соғ бўлишса, бажонидил. Борди-ю, аксинча бўлса, марҳамат даволанишсин. Турмуш қуриш қочмайди. Келин албатта аёллар маслаҳатхонасига бориши, тиббий кўрикдан ўтиб, зарурат бўлса муолажа олиши шарт. Куёв ҳам шу тариқа шифокор «чиғириғи»дан ўтади. Шу аснода қурилган оила шубҳасиз, мустаҳкам бўлади.

**- Гапларингиздан момоларимиздан қолган айрим ўгитларни эсладим. Яъни, муқаддам қилган гуноҳларидан виждони қийналиб юрадиган кишилар бирон-бир хайрли иш қилиб, иймон жароҳатига малҳам қўйишган. Гуноҳлар учун тавба қилиш каффоратига савоб иш қилиш мўмин кишига хос фазилат.**

- Ҳа, илгари замонларда бир болага етти маҳалла ота-она бўлган. Шарғун шаҳрида фаолият юритганимда, атиги уч нафар «ёлғиз она» рўйхатга олинган эди. Маҳаллий ҳокимият шу қадар ваҳимали, ташвишли бонг урган эдики, токи ўша аёлларни эрлари билан муроса қилдириб, «ёлғиз она» мақомидан маҳрум қилмагунимизча, фаоллар билан кеча-ю кундуз тинмаган эдик. Бу 1994 йилнинг гапи. Бугун-чи? Нега энди асосан аҳли мўмин, оқибатли ўзбек миллати яшайдиган Ангор туманида 40 дан зиёд «ёлғиз она» бўлиши керак экан?

Бу яна бир томондан ёшлар билан ишлайдиган ташкилотларнинг фаолиятига хос муаммо. Юртбошимизнинг ташаббуси билан янгидан шаклланган ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати асосий эътиборни жамиятимиздаги маънавий-ҳуқуқий муаммоларга қаратишларини истар эдим.

Бир тоифа ота-оналарга ҳайронман, кечқурун товуғи ёки эчкиси саноқда тугал бўлмаса, тонготаргача излайди, излаб топиб, катагига, қўрасига жойлаштириб, кўнгли тинчийди. Ўғли ёки қизи тонготаргача синфдошлар базми-ю, хизматдошлари ўтиришида қолиб кетса, безовталанмайдилар. Товуқ ёки молни онгсиз деб ахтаради-ю, ўғил-қизини «эси бутун-ку» деб излашмайди. Ваҳоланки, товуқ билан сигир одам боласи каби ароқхўрлар, гиёҳвандлар даврасига бориб қўшилмайди. Гапираверса гап кўп.

**- Маъноли, мазмунли гапларни айтдингиз. Фаолиятингизга барака тилаймиз, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

- «Оналар ва болалар йили» барчанинг бағрини бутун қилсин. «Ёлғиз она»ларнинг сони камайсин. Ҳаммамизнинг бошимиз соябонли бўлсин.

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД суҳбатлашди**

## РАҲБАР ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Ҳуқуқий давлат қуриш ибораси матбуот нашрлари саҳифалари умумий сўзлашувимизда акс эта бошлаганига ҳам ўн йилча бўлиб қолди, десам муболаға бўлмас. Аммо ҳали-ҳануз на ўзганинг, на ўзининг ҳуқуқини англаб ололмаганларни учратиб таассуф этасан, киши. Энг ачинарлиси, бундай кишилар тоифасидан номи жаранглаб эшитиладиган лавозимларни эгаллаб турган раҳбарлар ҳам мустаҳкам ўрин олган. Хўш, ҳуқуқий саводи бўлмаган раҳбарнинг ўзи бошқараётган жамоага қай тахлит зиёни кўпроқ тегади? Маънавийми, ҳуқуқийми ёки иқтисодий?

Менимча, ноқобил раҳбар учала томондан ҳам зарар етказади. Раҳбар ўзи бошқараётган жамоага рамзий маънода «ота» ҳисобланади. Унга нисбатан ноқобил атамасини қўллаш балки ножоиздир. Бироқ, масаланинг тағин бир нозик жиҳати ҳам мавжуд. Биз қайси амалда, қай бир лавозимда ўтирмайлик, ўзимизни мана шу улуғ халқнинг фарзанди ҳисоблашимиз, халқимизнинг ноқобил фарзанди, катта ё кичик жамоанинг ноқобил раҳбари бўлмасликка ҳаракат қилишимиз керак.

Жорий йил бошидан ўнлаб ташкилот ва корхоналарни, хўжалик, бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги (Вазирлар Маҳкамасининг 22.03.1994 йил 153-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган) Низомга амал қилмаганликлари учун хўжалик судларига даъво аризаси киритиб, жаримага торттирдик, ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот хазинасини жаримага нишон қилиб қўйган бошлиқ албатта ноқобил бўлади-да!

Айни пайтда вилоятимизда 16 та қўшма корхона, 30 та хўжалик бирлашмаси, 175 та очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари фаолият юритаётир. Ўтган йил давомида 91 та хўжалик субъектларида ўз Низомлари ва таъсис шартномаларига, амалдаги қонунларга нечоғли риоя этаётганликлари юзасидан текширишлар ўтказдик. Шуларнинг натижаси ўлароқ, хўжалик судларига 64 та жарима ундириш ҳақида ва 37 та турли қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритдик. Аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича тақдимномаларимизни қаноатлантирган хўжалик бирлашмаларидан 40 таси, ўз вақтида тузатилган хатоликлари боис, жарима тўлашдан озод этилдилар. Хўжалик судларига киритган даъво аризаларимиз асосида ғайриқонуний тарзда Низомга зид иш олиб борган хўжалик бирлашмаларига нисбатан умумий ҳисобда 4072500 сўм жарима қўлланган бўлиб, шундан 2082750 сўми ундирилиб, давлат хазинасига ўтказилди.

Мисол тариқасида юқоридаги салбий ҳолатлар ҳукм сурган ташкилотлар ва корхоналардан айримлари хусусида тўхталиб ўтсак. «Ангор пахта» ҳиссадорлик жамияти вилоятимизда етакчи ўрин тутадиган саноат корхоналаридан бири. Аммо ҳуқуқий саводхонлик етишмаганлиги боис текшириш жараёнида кадрлар бўлимида бир талай қонунбузарликлар аниқланди. Биринчидан, бир неча ходим меҳнат қонунларига зид равишда, меҳнат дафтарчаларисиз, ишлатилган. Ҳужжатлар эса «Давлат тили тўғрисида»ги қонун талабларига зид — рус тилида юритилган. Бошқармамиз мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритган бўлса-да, жамият бошқаруви бунга қониқарли жавоб бермади. Шундан сўнг вилоят «Ангор пахта» ҳиссадорлик жамиятига хўжалик суди орқали даъво қўзғаттириб, республика бюджети ҳисобига 132000 сўм жарима ундирдик.

Акциядорлик жамияти қайта ташкил этилгач, юқоридаги Низом талабларига мувофиқ адлия бошқармаси рўйхатидан қайта ўтмаганлиги аниқлангач, «Жарқўрғон МТП» (машина трактор парки) давлат акциядорлар жамиятига нисбатан жарима ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритдик ва жавобгардан 43750 сўм ундириб олинди.

Шунингдек, «Сурхондарё улгуржи биржа савдо» ҳамда «Учқизилкимётаъминот» ҳиссадорлик жамиятларида ҳам юқоридаги каби қонунбузарликларга йўл қўйилган. Хўжалик суди орқали «Сурхондарё улгуржи биржа савдо» ҳиссадорлик жамиятидан республика бюджетига 37.500 сўм, «Учқизилкимётаъминот» ҳиссадорлик жамиятидан эса бошқармамизга 122 минг 500 сўм жарима ундирилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Башарти, вақти замони келиб катта миқдордаги жарималар жавобгар шахснинг ўзидан ундирилса, ҳеч шубҳасиз, у қонун талабларига жонжаҳди билан риоя қилади. Борди-ю,бошлиқнинг ҳуқуқий саводсизлиги ёхуд қонунларга беписанд қарашидан жамоанинг «умумий қозони»га зиён етса, демак, у юқорида номлаганимиздек ноқобил раҳбардир.

Алқисса, айни ҳолатлардан кўриниб турибдики, жойларда ҳокимликлар, жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари ҳуқуқий тарғибот ишларига эътиборни кучайтиришлари керак. Токи, даъволашаётган томонлар ҳуқуқлари, имтиёзлари билан бирга зиммасида мажбуриятлари, бурчлари, борлигини ҳам билишсин.

**Чориёр АЛЛАЁРОВ,
Сурхондарё вилояти
адлия бошқармаси
бошлиғи**

Журналист текшируви

# «ТЕРЕК» НЕГА ИШЛАМАЯПТИ?

«Терек» корхонаси фаолияти шу йил бошидан буён тўхтаб қолди. Бу хабарни шарҳлашни илтимос қилиб, Республика «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси раиси ўринбосари Собир Эргашевга қўнғироқ қилдим.

- Келинг, гаплашамиз, - деди Собир Қурбонович.

Бордим. Собир Қурбонович ариза билан танишгач, ўз фикрини қуйидагича баён этди:

- «Терек» номигагина қўшма корхона, ҳеч нарса ишлаб чиқармайди. Ишонмасангиз, 2001 йилги бизнес-режасини сўранг-чи, бормикан? Тўғри, биз «Терек» билан беш йилга шартнома тузганмиз. У тўрт йил «Тош-мармар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг олмос цехида фаолият кўрсатди. Бу йил «Тош-мармар» у билан шартнома тузишдан бош тортди. Сабаби корхона раҳбари «Терек»нинг фаолиятидан қониқмаяпти.

«Терек» мамлакатимиздаги тошни қайта ишловчи заводларни тош кесувчи асбоб-ускуналар билан таъминлашга ва уларни қайта таъмирлашга ихтисослашган корхона ҳисобланади. Шунингдек, корхона «Тош-мармар» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг 35 фоизга яқин оддий акциялари эгаси эди.

«Терек» ва «Тош-мармар» ўртасидаги низо ҳам асли ўша акциялардан келиб чиқди. Гап шундаки, 1998 йилда «Терек» «Тош-мармар»нинг 35 фоиз акциясини сотиб олади. Олди-сотди шартномаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бўлими ва «Терек» ўртасида тузилган. Лекин ўша пайтда «Тош-мармар» ОТАЖ «Терек» қўшма корхонасига акция сотиб олиш учун 3 миллион 140 минг сўм пул берган. Аммо бу пулни қайтариш муддати, қўшимча фоизлари ҳақида ҳеч қандай шартнома тузмаган.

«Биз бу пулга акция сотиб олганимиз йўқ, - дейди «Терек» қўшма корхонаси раҳбари А.Музаффаров. - Ўша пайтда ўзимизнинг ҳисобимизда ҳам етарли маблағимиз бор эди».

- Йўқ, акция шу пулга олинган, - дейди «Тош-мармар»дагилар. Ҳуллас, «Терек» катта акция пакети эгаси сифатида акциядорлар жамияти ишига фаол аралашади. Бу эса «Тош-мармар»нинг ўша пайтдаги раҳбарларига ёқмайди. Натижада ўртада низо чиқади. Низо шу даражага бориб етдики, охири «Тош-мармар» ОТАЖ «Терек» корхонасининг акцияларини бекор қилиб, ўзларига ўтказиб беришларини сўраб, Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилади. Суд 2000 йил 7 декабрда ўз ҳал қилув қарори билан «Тош-мармар»нинг даъвосини қисман қондиради, яъни ҳиссадорлик жамияти «Терек» қўшма корхонаси ҳисобидан 646801 сўм асосий қарз, 1011080 сўм банк фоизи, 33157 сўм давлат божи ундирилиши тўғрисида қарор чиқаради.

Шу билан бирга суд «Тош-мармар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти акцияларини бекор қилиш бўйича даъвогар шахс бўла олмаслигини билдириб, уларнинг бу даъвосини рад этади. Акцияларни «Терек» қўшма корхонасида қолдиради.

Аслида даъвонинг қисман қондирилишининг қонунийлиги ҳам шубҳа туғдиради. Биринчидан, пул олди-бердисида ҳеч қандай шартнома, фоизлар ҳақида гап йўқ. Иккинчидан, амалдаги қонунларга биноан банк фоизлари судга мурожаат қилган кундаги қарз миқдоридан олинади. «Тош-мармар» судга июл ойида мурожаат қилган. Бу пайтда «Терек»нинг «Тош-мармар»дан қарзи 1322866 сўм эди. Демак, қарз фоизлари ўша суммадан чиқарилиши лозим эди, чамаси?

Акциялар масаласида Тошкент Республика фонд биржасининг муроса комиссияси текширув ўтказади ва «Терек» акцияларни қонуний сотиб олганлигини тасдиқлайди.

Суд қароридан қониқмаган «Тош-мармар» ОТАЖ бошқаруви шаҳар хўжалик судига апелляция тартибида шикоят беради. Хўжалик судининг И.Тожиев раислигидаги апелляция комиссияси шу йил 31 январда ишни кўриб, даъвогарнинг 1998 йилда «Терек» қўшма корхонаси ва Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бўлими ўртасидаги 35 фоиз акциянинг олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги талабини қондиради.

«Терек» қўшма корхонаси бундан норози. Нега?

Судга «Тош-мармар» ОТАЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Б.Ишмуҳамедов имзоси билан даъво аризаси берилган. Аслида унинг бу лавозимда ишлашининг ўзи ноқонуний экан. Шу иш бўйича Собир Раҳимов туман прокуратураси текширув ўтказиб, шундай хулосага келган. Текширув натижасига кўра акциядорлик жамиятининг собиқ бошқарув раиси Т.Ёқубов 2000 йилнинг 11 июл куни меҳнат таътилига чиққан ҳолда Б.Ишмуҳамедов ундан тўрт кун олдин, яъни 7 июл куни бошқарув раиси вазифасини бажарувчи этиб тайинланган. Т.Ёқубов 11 июлдан 9 сентябрга қадар меҳнат таътилида, 10 сентябрдан 7 ноябргача касаллиги туфайли даволанишда бўлган. Ишдан бўшаш тўғрисида ҳеч кимга ариза билан мурожаат этмаган. Лекин у қайтиб бошқарув раислигига тикланмаган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 112-, 113-моддалари қўпол равишда бузилган.

Туман прокурори юқоридагиларни ҳисобга олиб, «Тош-мармар» ОТАЖ кузатув кенгаши раиси А.Мўминов номига амрнома жўнатган. Унда амалдаги қонунларга асосан Т.Ёқубовнинг ўз лавозимида иш фаолиятини давом эттиришга имконият яратиб бериш, Б.Ишмуҳамедовни ўз лавозимидан озод этиш, унинг имзоси билан жамият номидан амалга оширилаётган барча ҳаракатларни тўхтатиш топширилган. Лекин Тошкент шаҳар хўжалик суди апелляция комиссияси прокурорнинг амрномасини инобатга олмади. Амрнома чиққандан олти кун ўтгач, Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бўлими ва «Терек» ўртасидаги акция олди-сотдиси тўғрисидаги шартномани бекор қилди.

Буни қандай тушуниш керак? Бу ерда ким ҳақ? Прокурорми ёки хўжалик суди?

1998 йил 30 сентябрда «Тош-мармар» ОТАЖ акционерларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб, унда кузатув кенгашининг Низоми ҳам қабул қилинган. Унинг 2.2 бандида кузатув кенгаши аъзолари энг катта акция пакетига эга бўлган акционерлардан сайланиши аниқ ва равшан ёзиб қўйилган. «Тош-мармар» ОТАЖда эса бунинг акси бўлди. Кенгаш аъзолари С.Азимов (туман Саноат қурилиш банки бошқарувчиси), У.Маҳкамов (туман Миллий банкининг собиқ бошқарувчиси), М.Мансуров («Алихон-Тўра» хусусий фирмаси директори)да бир дона ҳам акция йўқ. Ушбу фактни қандай изоҳлаш керак?

Юқорида таъкидланганидек, 2000 йил 7 июлда кузатув кенгаши йиғилиши бўлиб ўтади. Унда Б.Ишмуҳамедов «Тош-мармар» ОТАЖга вақтинча бошқарув раиси этиб сайланади. Йиғилиш баённомасида А.Мўминов, С.Эргашев, Э.Бўтаев, С.Азимов, Г.Маҳкамов ва А.Музаффаров кенгаш мажлисида қатнашгани қайд этилган. Кузатув кенгашида «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компаниясидан бир вакил бўлиши керак. Йиғилишда эса вакил сифатида икки киши иштирок этган. Шунингдек, баённомада қатнашди деб қайд этилган Г.Маҳкамов йиғилшда бўлмаган. Демак, мажлисда кузатув кенгашининг етти аъзосидан тўрттаси иштирок этган, холос. Амалдаги қонунларга биноан кузатув кенгаши аъзоларининг 75 фоизи қатнашмаган йиғилиш қарори ноқонуний ҳисобланади.

Ушбу хатга эътибор беринг: «Ўзқурилиш материаллари» компанияси раиси номига Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш Бош бошқармасидан ёзилган. Гап шундаки, 2000 йил 28 августда «Тош-мармар» ОТАЖ ишчиси А.Игумнов иш пайтида оғир жароҳат олади. Бу ҳодисани текширган Бош бошқарма инспектори С.Низомов тегишли ҳужжатларга асосан Т.Ёқубовни эгаллаб турган лавозимидан озод этишни таклиф қилади.

Ваҳоланки, кузатув кенгаши раисининг гапича, Т.Ёқубов 28 июлдаёқ лавозимига нолойиқ деб топилган ва 7 июлда ишдан бўшатилган. Қарангки, 6 октябрга келиб, «Тўйдан кейин ноғора» хилида уни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш таклиф этилаяпти.

«Тош-мармар» ОТАЖ кузатув кенгаши раиси А.Мўминов Т.Ёқубов бўшаш тўғрисида ариза берган эди, дейди. Лекин бу ҳужжат ҳозирча ҳеч ерда йўқ. Т.Ёқубов шу йилнинг 1 феврал куни ишдан бўшаш тўғрисида ариза берди. Демак, шу пайтгача Б.Ишмуҳамедов қонунга зид корхонага раҳбарлик қилган экан-да?!

Майли, 2000 йилнинг 7 июлида кузатув кенгаши томонидан Б.Ишмуҳамедовнинг вақтинчалик бошқарув раислигига сайланганини қонуний дея ҳисоблайлик. Аммо Низомга биноан 45 кундан сўнг у акционерларнинг умумий йиғилишида раисликка сайланиши керак эди. Аммо бу йиғилиш бўлмади. Нега яна Низомга зид иш тутилди?

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясидагилар ҳам, «Тош-мармар»дагилар ҳам «Терек»ни фаолият кўрсатмаётганликда айблашади. «Терек»дагилар эса «Йўқ, биз ишлаяпмиз, мармарни қайта ишлаш корхоналарига тош кесувчи асбоб-ускуналар етказиб бераяпмиз», дейди. Мана, салкам бир йилдирки, бу можаро охирига етмаяпти. Ёз-ёз, текшир-текширлар ишчи-хизматчиларнинг жонига теккан, қўлини ишдан совутган. Қаердаки, қонун бузилишларига йўл қўйилса, бошбошдоқлик бўлса, ўша ерда шундай ҳолат юз бериши табиий.

Ўйлаймизки, яқин кунларда нуфузли комиссия тузилиб, икки корхона ўртасидаги бу нохуш ҳолатни ўрганиб чиқади ва қонуний баҳосини беради.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири**

Хотира ўлмайди

# УСТОЗ

## Катта аллома Малик ҲАКИМОВ ҳақида ёднома



Кимга қандай, лекин менимча, устозлар ҳақида ёзиш осон иш эмас. Аввалига гўё осондек туюлади. Аммо қўлга қалам олгач... Устозим Малик Ҳакимович тўғрисида ёзиш енгилдек туюлди-ю, юзлаб хислатлари, сабаблари юки остида, қай биридан бошлашни билмай, узоқ ўтириб қолдим.

Мен устознинг дастлабки шогирдларидан эдим. Ўзимча «домла менга анча меҳр қўйган эдилар», деб ҳанузгача ўйлаб юраман, бундан фахрланаман.

Мен ул зот билан кўп вақт бирга, у кишининг раҳбарлигида ишлаганман, давра суҳбатларида, оилавий дастурхон атрофида бўлганман. Доимо ҳавас билан кузатардим, ички оламларига кириб боришга уринардим, иш усулларини, олимлик қирраларини, инсоний фазилатлари-ю оилага, фарзандларига, яқинларига муносабатларини ўрганишга ҳаракат қилардим.

1959 йил Тошкент Давлат Университетининг юридик факультетини тугатдим. Давлат тақсимот комиссиясининг йўлланмаси билан Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтига, айнан Малик Ҳакимов раҳбарлик қилаётган секторга ишга юборилаётганлигимни билдим. Мени бироз ваҳима босди, қандайдир ҳайиқиш ҳисси пайдо бўлди. Чунки домла бизларга сабоқ берган, талабчанликлари, қатъиятлилиги, ҳар қандай юзакичилик ва ҳавойичиликни ёқтирмаслигини яхши билар эдик. Бундай раҳбарнинг талаби даражасида ишлаб кета олармиканман, деган савол ўйлантириб қўйган эди ўшанда.

Юз хил ҳаяжон билан Малик аканинг қабулларига кирдим. Домла ўринларидан туриб, очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Сўнг «Анча куттириб қўйдингиз-ку, куёв йигит (мен ўшанда яқинда уйланган эдим), мўлжалланган анча ишлар тўпланиб қолди», дедилар. Ҳол-аҳволимни, Тошкентдаги яшаш жойимни суриштирдилар. Жуда енгил тортиб кетдим.

Ўша куни устоз мени ўзларига ҳамроҳ қилиб, собиқ компартия МҚ ҳузуридаги партия тарихи институтига олиб бордилар. (Ўша пайтда домла партия тарихига оид ҳужжатлар тўплами ва ўзларининг Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг ривожланишига бағишланган фундаментал китоблари устида иш олиб бораётган эканлар). Йўл-йўлакай менинг вазифам хусусида гаплашиб бордик. Ҳар бир сўзларидан ақл, сабоқ уфуриб турарди.

Салдан сўнг менга кичик бир топшириқ бердилар. Кейинчалик бунинг ҳақиқий синов эканлигини англадим. Ҳали тажрибам кам, топширилган мавзу бўйича материални яхши билмайман, манбалар билан тўлиқ таниш эмас эдим. Вақт эса қисқа, роса терлаб ишладим ва белгиланган муддатда топшириқни бажариб, топширдим. Бир ҳафталар чамаси ижроим ҳақида домладан ҳеч садо чиқмади. Ишим билан банд кутиб юрдим. Ниҳоят, бир куни домла ишдан кейин мени етаклаб уйларига олиб бордилар. Ўшанда мен бажарган иш хусусида гап очилди.

Билсам, у ишим том маънодаги илмий иш эмас экан. Устоз камчилик ва ютуқларимни батафсил юзимга айтдилар. У кишига ишончим ва ҳурматим янада ортди. Кейинчалик домла билан биргаликда олиб борган тадқиқотларимда ҳам, ўзим алоҳида бажарган ишларимда ҳам ушбу сабоқни ёдда тутдим. Олим учун илмий ишда майдачуйда, икир-чикир, иккинчи даражали масалалар йўқ, ҳаммаси муҳим ҳисобланишини тушундим.

Малик Ҳакимовдаги талабчанлик, раҳбарларга хос синчковлик хушмуомалалик билан ҳамроҳ эди. Ҳеч кимга қўполлик қилганларини, бировни ноҳақ хафа қилганларини кўрмаганман, ҳатто сифати паст ишлар тўғрисида гап борганда ҳам муаллифга ётиғи билан тушунтиришга, уни ўз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилар эдилар.

Малик Ҳакимовда мантиқ кучли, катта нотиқ эдилар, маърузаларини барча мароқ билан тинглар, сабоқларидан қониқиш ҳосил қиларди. Устознинг республика ҳуқуқшунос алломалари орасида муболағасиз катта ўринлари бор эди.

Йирик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, билимдон мутахассис бўлсалар-да, бошқалар, жумладан, ёшлар билан муносабатда ўта самимий эдилар, ўз тенгдоши қатори қўйиб, суҳбат қилар, фан юзасидан бўлган мунозараларда бошқалар фикрини эшитишни билардилар.

Устоз чарчоқ билмас олим эдилар. Мен у кишининг хонадонларига тез-тез бориб турардим ва ҳар доим келинойимиз Матлуба опанинг бир нарса устидан шикоятларини эшитардим. Малик ака ўзларини асрамасликлари, иш билан ўта банд бўлиб, дам олишни ҳам унутиб қўйишлари, соғлиғига эътибор бермасликларидан сўзларди.

Домланинг дунёвий қизиқишлари ва қарашлари кенг эди. Бўш пайтларидаги суҳбатларида турмуш ташвишларидан тортиб адабиёт, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда дилдан суҳбат олиш мумкин эди. Бир куни институтимизга яқин жойлашган уйимга тушликка таклиф қилдим. Домла аввалига хонадошларингизни безовта қилиб қўймайлик, деб рўйхушлик бермадилар. Аранг кўндирдим. Эшикка яқинлашганимизда, уйдан мумтоз ашула (янглишмасам «Чоргоҳ-1») эшитила бошлади. Домланинг чеҳралари ёришди. Мен эшикни очиб, уйга таклиф қилганимга қарамасдан, ашула тугагунга қадар остонада туриб тингладилар. Шунда у кишининг санъат шайдоси, мусиқа билимдони эканликларининг гувоҳи бўлганман.

Меҳрибон устозимнинг Самарқанд Давлат университети юридик факультети фаолияти учун хизматлари ҳам катта бўлди. Домланинг мафтункор ва равон маърузаларини самарқандлик ёшлар кўп бора мароқ билан тинглашган, ёш олимлар у кишининг беғараз ёрдамидан баҳраманд бўлишган.

Самарқандга ишга келганимдан сўнг 1980 йил апрел ойида иш билан Тошкентга бордим. Табиийки, қадрдон институтимда бўлдим, ҳамкасбларим билан суҳбатлашдим, устозларимни, жумладан, Малик Ҳакимовни зиёрат қилдим. Шунда домла, «мабодо қайтиб кетишга шошмаётган бўлсангиз, суҳбатлашиш, меҳмон қилиш ниятим бор» деди. Иккаламиз чоғроқ кафеда икки соатча суҳбат қилдик. Устоз менга ишимни ташлаб қўймаслигимни, охирига етказишим учун нималар қилишимни уқтирди, кўп маслаҳатлар берди.

Бу бизнинг сўнгги учрашувимиз, аниқроғи, хайрлашув суҳбатимиз эди. Озгина вақт ўтмай, машъум хабарни — устоздан ажралиб қолганимизни эшитдим. Тошкентга видолашув учун етиб келолмадим, холос.

Бугун орадан йиллар ўтиб, Малик Ҳакимовнинг хотирасини ёдга олар эканман, унинг бир шогирди сифатида бир нарсани айта оламан: у киши меҳрибон устоз, олижаноб инсон эдилар.

**Карим НАЗАРОВ,**
**СамДУ ҳуқуқшунослик факультети декани, юридик фанлари номзоди, доцент**



*Бўтаёр Мамадиёров 1970 йил ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тугатгандан бери ҳуқуқ-тартибот соҳасида самарали ишлаб, кўплаб шогирд етиштирди. Жиззах вилоятида хўжалик судини ташкил этганлардан биридир.*

*Ҳозир тажрибали ҳуқуқшунос Бўтаёр ака Мамадиёров вилоят фуқаролик ишлари бўйича судида судья бўлиб ишламоқда.*

*Суратда: (чапдан) Бўтаёр Мамадиёров ноқонуний ишдан бўшатилган фуқаро Анвар Содиқов билан суҳбатлашаяпти.*

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат**

Арз келди

# «РАИСГА АЙТИНГ, НАФАҚАМИЗНИ ТЎЛА БЕРСИН!»

Ҳурматли муҳаррир! Бизнинг Пахтачи туманидаги Зарафшон ширкат хўжалиги ҳисобхонасида 2 ёшгача болалар нафақасининг миқдори хўжалик раиси Турсунмурод Болтаевнинг айтганидан бирон сўм ортиқча бўлиши мумкин эмас бўлиб турибди. Мен хўжаликдаги «Ғунча» болалар боғчасида ишлаб, 2 ёшгача бўлган фарзандим тарбияси учун таътилга чиқдим. 1999 йил 11 июнда фарзандлик бўлдим. Туғиш таътилидан сўнг менга ойига 1980 сўмдан боламнинг 2 ёшигача болалар нафақаси ҳисоблана бошланди. Орада Президентимизнинг иш ҳақи, стипендия ва нафақалар миқдорини кўтариш ҳақидаги бир қатор Фармонлари қабул қилинди. Уларга кўра 1999 йил 1 августдан ойига 2625 сўмдан, 2000 йил 1 августдан 3675 сўмдан нафақа ҳисобланиши керак эди. Аммо нафақа ҳисобчиси Назаров Мамарасул жамоа раисидан буйруқ бўлмаган деган баҳонада барча оналарга эски миқдорда нафақа пули ҳисоблаб келмоқда. Устига-устак бу пулдан ҳам пенсия фондига 1,5 фоиз, касаба қўмитасига 1,5 фоиз ушлаб қолиниб, ҳужжатлаштирилаяпти.

Шу боисдан ҳисобимизча бошқа оналарга ҳам 1999 йил 1 августдан 2001 йил 1 февралгача бўлган даврда 17910 сўм нафақа кам ҳисобланди. Бу жами ҳисобланган нафақа пулларини натура шаклида бўлса ҳам бизга тўламаяпти. Ширкат хўжалигида 2000 йилда пиёз, узумдан яхши ҳосил олинди. Хўжаликка ўсимлик ёғи, кунжара кабилар келди. Афсуски, ширкат хўжалигидаги менинг номимда бўлган 54000 сўмни (ололмаган иш ҳақларим ва кам ҳисобланган нафақа пулларим) пул шаклида ҳам, натура шаклида ҳам ололмай сарсон-саргардонман. Бошлиқларимизнинг усти бут, қорни тўқ бўлса керакки, бизнинг аҳволимиз билан ҳисоблашмаяпти. Масалан, раисимиз арзимизни эшитгиси ҳам келмайди. Биз буни «Оналар ва болалар йили» дастурининг жойларда тескари ижроси деб билаяпмиз.

**Наргиза ҚОДИРОВА,**
**Самарқанд вилояти, Пахтачи туман, Зарафшон жамоа хўжалиги**

Ёшлар овози

# ТАШАББУС СЎНМАСИН

Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил этиш ташаббуси билан чиққанлари, мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлган ёшларга чинакам ғамхўрликларининг, куйинишларининг ҳамда бизга бўлган ишончларининг ёрқин ифодаси, деб ўйлайман.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча ёшлари ушбу ҳаракатнинг мақсади ва фаолияти бўйича ўз таклифларини бермоқдалар. Мен ҳам ўз фикримни билдирмоқчиман.

Аввало, назаримда ушбу ҳаракат сафида бўлишни хоҳловчи ҳар бир ёш шунчаки аъзо бўлиш эмас, балки бу ташкилот орқали мен она-Ватанимга нима қилиб бера оламан, қандай қилиб уни буюк давлатга айлантиришда ўз ҳиссамни қўшаман, деган саволларни ўз олдига қайта-қайта қўйиши лозим. Шунингдек, ушбу ташкилот ёшларга нафақат имконият, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда кўмаклашувчи, балки масъуллигини юзага чиқарувчи ташкилот ҳам бўлиши керак, деб ўйлайман. Бизнинг Тошкент Давлат юридик институти II ҳуқуқ факультети талабалари ўртасида «Ташаббус гуруҳи» ташкил этилмоқда. Унинг асосий вазифаси жойларга бориб ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш, Президентимизнинг «Конституцияни ўрганиш» тўғрисидаги Фармойиши ижросини таъминлашдир.

Менимча, бошқа олий ўқув юртидаги ҳуқуқшунос талабалар ҳам шунга ўхшаш гуруҳлар тузиб, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб борсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунинг билан бирга ҳаракатнинг Низомига оид таклифлардан яна бири — матбуот нашрлари ёшлар овозига кенгроқ ўрин бериб борса, ютуқ ва камчиликлари ҳамда муаммолари тўғрисида мақолалар акс эттириб борилса, яхши бўларди. Ҳуллас, ҳаракатнинг чинакам ҳаракатга айланиши биз ёшларнинг ташаббускорлигимиз ва масъуллигимизга боғлиқдир.

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**
**талаба**

# УШАЛМАГАН «ОРЗУ»

Шуҳрат Худойбердиев беш йил илгари Олтинсой туман суди томонидан 6 йилу 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинганди. Афсуски, бу жазо унга сабоқ бўлмади. Ўттиз ёшни қоралаган бу оилали йигит яна қинғир ишга қўл урди. У ўз ҳамқишлоқлари Азамат Исломов, Абдулла Ражабовларни панага тортиб, улар билан шум ниятнинг режасини тузди.

- Дўстлар, бир режа бор. Озгина ҳаракат қилсак, чўнтаклар қаппайиб қолади, мўмайгина пул ишлаб оламиз, - дея Шуҳрат шерикларини нопок йўлга бошлади.

- Қандай қилиб? - сўради Азамат Исломов.

- Э, йўли бор. Биронта машинани ўғирлаб пуллаймиз! Қарабсизки, пул чўнтакда!

- Сезиб қолишсачи? - талмовсиради Абдулла Ражабов.

- Хомсан-да, хом, - деди «устоз», - пихини ёрган қассобдан гўшт олсанг, суягини шундай майдалаб юборадики, лаҳмнинг ичида суяк борлигини сезмай қоласан, тўғрими? Биз ҳам шу усулда иш қиламиз. Машинани «суяклар»га бўлиб, майдалаб сотамиз.

Худойберди бошлиқ гуруҳ эртаси ўзларича «пухта» ўйланган ўғирлик режасини амалга ошириш учун Қизириқ туманидаги бозорга боришди. Бу ерда ҳар якшанба куни катта бозор бўлади. Бозор атрофи сон-саноқсиз турли русумдаги машиналарга тўлиб-тошади.

Ўғирлик билан пул ишлашни орзу қилган гуруҳ фуқаро Қудрат Муродовга тегишли «ВАЗ-2106» русумли машина ёнида тўхтаб, атрофни зимдан кузатиб чиқдилар. Ўғриларнинг омади чопди — машина эшиги қулфланмаган экан. Шуҳрат Худойбердиев рулга ўтириб, махсус мосламани калит ўрнида ишлатмоқчи бўлди, бироқ машина мотори ўт олмади.

Машинани олдинга қараб сурингглар,- деди Шуҳрат ҳамтавоқларига ҳовлиқиб.

Сал уринишдан сўнг мотор ўт олдирилди. Улар ўғирланган машинада йўлдаги ДАН масканларини четлаб, эгри йўллар билан Қумқўрғон туманига етиб келишди.

- Номерни ечинглар,- буюрди Шуҳрат. - Мен ҳозир келаман.

Очиқ далада ўғирланган машинага қоровул бўлиб қолган Азамат Исломов билан Абдулла Ражабов Шуҳратнинг қайтишини кутиб туришди.

Орадан озроқ вақт ўтгач, Шуҳрат қўлида янгигина бўёқдан чиққан, А 2336 СД давлат белгиси бўлган номер билан қайтиб келди. Янги номерни машинага тақишиб, улар йўлини давом эттиришди. Яширин йўллар билан машинани «Сурхон» жамоа хўжалиги ҳудудигача ҳайдаб келишди. Ўғрилар машинани сақлаш, сўнг уни эҳтиёт қисмларга бўлиш нияти билан жой излаб изғиб юришганда, ёқилғи тугаб қолди. Саросимада машинани «сура-сур» қилиб боришаётганда, шу атрофда юрган ички ишлар бўлими ходимининг назарига тушишди. Милиция ходимининг ҳушёрлиги туфайли машина ўғриларининг жинояти фош этилди.

Бировнинг мулкига кўз олайтирган ўғрилар энди ўз қилмишлари учун суд олдида жавоб беришади.

**Тўхтасин ҚУРБОНОВ,**
**Қизириқ туман прокурори**

*Шартномавий муносабат*

# АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ БУЗИЛМАСИН

*шундагина давлат ҳам, деҳқон ҳам фойда кўради*

Қишлоқда аграр ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий-хўжалик муносабатлари шартномавий асосда бажарилаётир. Маъмурий буйруқбозлик усулидан воз кечилиб, эркин фаолият кўрсатиш кенгайиб бормоқда. Буни кўплаб фермерлар, пудратчилар эришаётган натижалардан яққол билиш мумкин. Афсуски, баъзи мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимсизлиги айрим ҳолларда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бошқармамиз ходимлари амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор туманларда бўлди. Контрактация шартномалари бажарилишини ўрганди. Айниқса, деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилиш назарда тутилиб, пудрат шартномалари белгиланган мажбуриятларнинг ижросига алоҳида эътибор берилди.

Нарпай туманидаги «Иттифоқ» ширкат хўжалигида шартнома шартларига риоя этилмасликдек ўта ташвишли ҳолга дуч келинди. Текширилганда 11 та оилавий пудратчилар 2000 йилда шартномада белгилангандан 9,4 тоннадан зиёд буғдой етиштиришган ва хўжаликка топширган. Шартномаларга оид қонун ҳужжатлари ҳамда шартномаларга мувофиқ кўзда тутилганидан ортиқ етиштирилган маҳсулотнинг 100 фоизи пудратчига натура ҳолида берилиши ёки унинг қиймати бозор нархида тўланиши керак. Бироқ ширкат хўжалиги бошқаруви ушбу шартларни бажармасдан, ҳозирга қадар топширилган маҳсулот учун пудратчиларга ҳақ тўламасдан келмоқда.

Бундай ҳол Самарқанд туманидаги «Мароқанд», «Барака», Ф.Қосимова номли хўжаликларда, Оқдарё туманидаги «Оқдарё», «Гулистон», Пайариқ туманининг «Чурош» ширкат хўжаликларида ҳам мавжудлиги аниқланди. Умуман, жами 140 дан ортиқ шундай ҳолат бўйича даъво қўзғатилиб, ҳужжатлар суд идораларига тақдим этилди. Пудратчиларнинг қонуний ҳақлари ундириб берилмоқда.

Гап мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги ёки масаланинг ҳал қилинганлигида эмас. Асосий мақсад муаммонинг илдизини топиш, ғайриқонуний ҳаракатларга чек қўйишдир. Бозор иқтисодиётининг мазмуни, Президентимиз бошчилигида ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигида амалга ошираётган ислоҳотларнинг моҳияти шундаки, ҳалол рақобат вужудга келиши, деҳқон меҳнатига яраша манфаатдор бўлиши, меҳнатга ҳақ тўлашда текисчиликка барҳам берилиши керак. Ишни шундай ташкил қилиш лозимки, давлат ҳам, маҳсулот етиштирувчи ҳам фойда кўрсин. Афсуски, айрим ҳолларда хўжалик раҳбарлари адолат мезонларини бузиб юборишмоқда. Юқорида номлари қайд қилинган баъзи хўжалик раҳбарларидан шартномавий режадан ортиқча маҳсулот натура шаклида пудратчига берилмаганлик сабаблари сўралганда ғалла давлатга топширилганлигини айтишди. Тўғри, давлатга ғалла керак. Хўжалик раҳбарларининг бу тутумини қораламоқчи эмасмиз. Лекин пудратчига маҳсулот ҳақи шартномага мувофиқ бозор нархларида нега тўланмади? Раис хўжаликнинг давлатга ғалла сотиш режасини ўйлабдию, пудратчининг манфаатини унутибди-да?

Шартномавий муносабатлардаги ғайриқонуний ҳолатлар, бирёқламаликларнинг сабабларини таҳлил қилиш пайти етди. Биринчи сабаб пудратчиларнинг ўз ҳақларини талаб қилмаслигидир. Бошқармамиз ходимлари текшириш жараёнида ўзлари етиштирган маҳсулот учун ҳақ олмаган неча ўнлаб пудратчиларга даъво аризаси ёзишни таклиф қилишганда, улар очиқданочиқ рад этишди. Шарқона андиша, эҳтимолий тазйиқдан қўрқиш, юз-хотирчиликнинг ҳам чегараси бўлиши керак, ахир. Бундай пудратчилар онгига «ҳақ берилмайди, ҳақ олинади», деган фикрни сингдириш жоиз кўринади. Иккинчи сабаб эса хўжалик раҳбарларининг мансаб манфаатдорлигига бориб тақалади. Хўш, у нималарда кўринади? Хўжалик раҳбарлари, мутасаддилари пудратчиларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтиришмайди. Шартномалар фақат деҳқонга мажбурият юклайдиган даражада бир ёқлама тузилади. Масалан, шартномада кўзда тутилган миқдорда маҳсулот етиштира олмаса, пудратчи жарима тўлаши белгиланган. Лекин қарангки, уруғлик, ўғит, техника, сув ва бошқа таъминотдаги узилишлар учун хўжаликнинг жавобгарлиги қайд қилинмаган. Самарқанд туманидаги «Барака» ижара хўжалиги бошқарувининг пудратчи С.Эргашева билан тузган шартномасини олайлик. Унда пудратчи шартномада белгиланганидан зиёд етиштирилган маҳсулотнинг таннархи миқдорида пул олиши ёзилган. Наҳотки, йил бўйи тер тўккан деҳқон фойда олиш ҳуқуқига эга бўлмаса? Таннарх миқдорида тўланадиган ҳақ давлат харид нархидан паст бўлади-ку? Ҳолбуки, шартнома режасидан зиёд маҳсулот учун келишилган баҳода ҳақ тўланиши керак. Бошқа бир жиҳати эса хўжалик раҳбарлари пудратчилардан кўпроқ ғалла қабул қилишдан манфаатдор. Шу боисдан улар шартномани бажара олмаган ношуд пудратчиларни, қолаверса, ўзларининг хатоларини ёпиб олишади. Яъни хўжаликнинг шартномавий режасини уддалашади. Хўжаликнинг ичида эса текисчилик, кўзбўямачилик, бировнинг ҳисобидан обрў орттириш давом этаверади. Бундай раҳбарлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарорининг моҳиятини унутишган кўринади.

Бошқармамиз жамоаси мавжуд қонунлар устуворлиги ҳамда ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида бир қатор ишларни амалда бажармоқдалар. Оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб чиқишлар қилинди. Жойларда мутасаддилар ва пудратчилар иштирокида ўқувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бироқ булар ҳали етарли эмас. Шартномавий муносабатларда кўп нарса томонларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлалигича англашларига боғлиқ. Ўзаро шартномавий муносабатларда ҳуқуқий тенгликка, ҳуқуқ ва мажбуриятлар мутаносиблигига эришиш қонун устуворлигини таъминлаш кафолати. Адолат мезонлари бузилмагандагина давлат ҳам, деҳқон ҳам фойда кўради.

**Хайриддин ФАЙЗИЕВ,**
**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

*Бу йил тоғларимизга қор-барака яхши ёғди...*

# ҚОР УСТИДАГИ КАБУТАРЛАР

*Ёзувчи Шукур Холмирзаевга мактуб*

Бойсунга қалин қор тушди. Уч кун тинмай ёққан қор тизза бўйига етиб қолди. Уйимни биласиз. Деразадан қор босган оламга завқланиб қараб, сизни ўйладим. Эсингиздами, ўтган йили январда Бойсунга келишда Дарбанддан тонг саҳарда қўнғироқ қилгандингиз.

Ўзи кеч оқшом ва тонг саҳарда телефон жиринглашидан қўрқаман. Шу сабаб телефонни узиб қўярдим. Ўша куни бу одат ёддан чиқиб қолган экан. Тонг ёришмасдан телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим.

- Ассалому-алайкум, Собиржон! Мен келдим, - беозоргина овозингиз эшитилди.

- Қаердасиз?- сўрадим мен.

- Шу, Дарбанд постига ҳозир автобусдан тушдим. Ўтирибман...

- Қимирламай туринг, етиб бораман!

Биз Дарбанддан қайтдик. Йўлда қор босган тоғларга, тоққа туташ қирларга ички бир севинч, соғинч билан суқланиб нигоҳ ташладингиз:

- Собиржон, тоғларга қор тушибди-а. Сизлар қандай бахтли одамларсиз. Шундай жойда яшайсизлар, беармон. Мен эса ҳамиша шу ерларни соғиниб катта бир шаҳарнинг кичкина бўлагида умр бўйи яшадим. Яна қачон бу тоғларни кўраман?!.

...Бугун ҳам қорга қараб, ўша хотираларни эсладим. Бирпасдан сўнг кўчага чиқдим. Одамларнинг юзида қорга ўхшаган аллақандай равшанлик бор. Қантар оғган эди. Биласиз, айиқ 90 кунлик қиш уйқусига кетганда, қишнинг 45-куни ўтаётган оқшом бир ағдарилиб иккинчи ёнбоши билан уйқуни давом эттиради. Ўшани қантар оғди ёки қишнинг ярми ўтди, деб айтишади. Бозорга кирдим. Назаримда, бозордаги олди-сотди ҳам қорга кўмилиб кетгандай ҳамма бир-бири билан юмшоқ муомала қилади...

Хаёлимга сиз келдингиз. "Ака, Дўрмондаги "Робинзон Крузо" оролида бир ўзи укаси ўтган ёзда қуриб берган кичгина кулбада қорга кўмилиб ўтиргандир... У ҳам деразадан боғидаги тоғ олчалари, хурмоларнинг шохларидаги қорга қараб, Бойсунни соғиниб яшаётгандир..."

Шундай қорда Коплондарага бир боргим келди. Таниш "УАЗ"икни тўхтатиб, ниятни айтдим. Ҳайдовчи ҳам қизиқиб қолди. "Фақат, бензин олиб берсангиз бўлди. Бориб келамиз", дея кўнақолди.

Кичкина бозорлик қилиб, Қоплондарадаги Сиз ҳамиша дала ҳовли қурмоқчи бўлган ўша дарадаги каптархонага бордим. Оламни қор босган. Каттакон харсанг тош устига дастурхон ёздик. Атрофдаги манзаранинг таърифи йўқ. Арчазорларни қор кўмган. Қор устидаги арчаларнинг муаттар ҳиди ҳузур бағишлайди кишига.

Шу пайт сойнинг нариги бетига бир гала ёввойи кабутарлар келиб қўнди.

Уларни кузатдим.Кабутарлар қалин қорга бағрини берганича қимирламай қолишган. Назаримда, емиш тополмай охирги кучи билан учгану, беҳол бўлиб шу ерга қўнишган. Кабутарлар галасига қараб йўл олдим. Улар ҳуркимади. Чалажон бўлиб қолишган экан. Қимирлай дейдию, қўзғалишга мадори йўқ. Гўё бешафқат ўлимни очиқ жойда кутиб олишга шайлангандек. Нариги бетдан туриб шерикларимга нон олиб келишни буюрдим. Битта нонни қор устига ушоқлаб ташлаб, ўзим пастроққа эниб кузатиб турдим. Ёввойи кабутарлар аввал қор устига сочилган нон ушоқларига парво қилишмади. Бироздан сўнг ҳид олишди шекилли, тумшуқларини қорга ботириб нон ушоқларини еийишди.

- Ака, қаранг, кабутарлар қимирлаб қолишди,- деди ҳамроҳларимдан бири- энди улар яшайди. Зўр иш бўлди-да!

- Мен-ку, даштнинг боласиман. Савдода ишлайман, ака. Омборлардан мол ташийман. Агар сиз бўлмаганингизда бу кабутарларга парво ҳам қилмасдим,- деди манзарани кузатиб турган Қудрат.-Сиз тоғу-тошларда кўп юрасиз. Биларкансиз. Аммо шу ишга "шерик" бўлганимдан жуда хурсандман. Ана қаранг, қушларга жон кирди, ака. Улар энди яшайди. Келинг, шу кабутарлар учун кўтарайлик...

Мен бамисоли "Динозавр"даги қаҳрамонингиз Маҳкамдек эдим. Осмонга кўтарилиб ерга қарардим. Нега одамлар чумолидек ўрмалаб юришибди? Чумоли-ку ўз йўлида бир-бири билан "ачомлашиб" ўтади. Уларнинг бир-бирига меҳри шунчалик баландми? Нега, бир йўлдан ўн марта ўтса ҳам бир-бирини қучоқлаб сўрашгандай ўтишади. Биз – инсонлар-чи?... Баъзан чумолича эмасмиз-а?!..

Қор эса майда-майда... майдалаб ёғарди...

* * *

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасидаги мақолангизни ўқидим. Зўр!

Дилда борини қўшимчаларсиз, шундоқ қоғозга тушурибсиз: "Мен мустақиллик йилларида анчайин саводли бўлдим", "Айни пайтда сабр қилишни ўргандим". Ҳамма ҳам айта олмайдиган гап! Кейинги сонда "Диназавр"дан парча ўқидим. Қаҳрамонингиз Маҳкамнинг (бу менинг фикрим) энди уйига бормаслигини сездим. Назаримда, у касалхонадан чиқади. Сўнг уйига—Шаҳлонинг олдига эмас, Диназавр ғорига ёки унга яқинроқ тоққа боради. Маҳкамни излаб касалхонага келганлар, унинг уйига бормаганлиги, ўша таниш ғорга ёки тоққа борганлигини билишиб излаб топишади.

- Сўнг, ҳарқалай, Шаҳло ҳам борса керак. Тижорати синган Шаҳлонинг сўнгги пушаймонлари Диназавр-Маҳкамнинг дунёқараши олдида бир хасчалик бўлмайди. Чунки у Диназавр. Осмонга учиб, ерга қарайдиган инсон.

Бу менинг тахминларим, холос.

...Бир чиройли қўшиқни эшитсанг, роҳат қиласан. Хонандага ҳурматинг ошади. Аммо, унинг инжиқликларини кўрсанг, безасан. Ҳар қандай полвон, чопағон ёки бахшининг ҳам бир нимаси бўлмаса элга танилмайди. Менимча, яхши қўшиқни эшитсанг, унинг хонандасини ҳам ҳар қандай "иллатлари" билан бирга қўшиб яхши кўриш керак-да! Ижодкор ҳам шундай...

Эсингиздами, бир йили Неъмат Аминов, Машраб Бобоев, Зоҳир Аъламлар Эркин Аъзамнинг укасининг тўйига келганда... улар сизга зорланиб бирпас ухлашни таклиф этарди. Сиз эса, айтганингиздан қолмасдингиз. Эртаси ўша Қоплондарадаги каптархонага боргандик. Сўнг улар бироз мизғиб олиш учун "чап" беришга ҳаракат қилишганди. Сизни илгарироқ жўнатиб, сўнг уйингизга боргандик. Шунда Неъмат ака:

- Собиржон, бир қаранг, Шукур етиб қолган бўлса, бизлар ҳам меҳмонхонада бир соатгина дам олайлик,- деб илтижо қилганди.

Мен ҳовлига кирдим. Не кўз билан қарайки, сиз раҳматли отангиз-полвон бобонинг бел бўйи ўстирган йўнғичқазорида оралаб, гилос тагида стол қўйиб гап-гаштакни давом эттирдингиз. Шунда мени кўриб: "Қани улар?" деб сўрадингиз. Мен сиздан илгарироқ кўчага чиқдим. Шунда Неъмат ака:

- Собиржон, Шукур ётган эканми?-деб сўради умид билан.

Сиз, дарвозадан чиқишингиз билан Неъмат ака:

- О, Шукур, э, вой-эй!- деб юборганди...

Гаштак эса давом этарди. Полвон бобонинг йўнғичқазоридаги сўқмоқ тобора кенгайиб борарди. Полвон ота ҳовуз четидаги ариқ бўйларида ўсган ўт-ўланни ўроқ билан ўраётиб, бизларга қараб қўярди. Полвон ота шаҳардан келган ёзувчи ўғлига молхонадаги молларнинг емиши поймол бўлаётганини айтолмасди. Шу сабаб ўроқни алам билан силтарди... Ёзувчи боласи эса бунга бепарво. Шунда жўрангиз Нурилло унинг ичидагини сезиб:

- Полвон бобо, парво қилманг, ўзим янаги ҳафта 50 дона беда пресси олиб келиб ташлайман!- деди.

- Сен доим шундай ваъда берасан. Лекин, ҳеч қачон бажарганинг йўқ. Ёлғон айтиб нима қиласан!..

Мен эртаси сизга шуларни сўзлаб бергандим. Эртаси қарасам ариқ бўйларида ялангоёқ, авайлаб қадам босиб юрган экансиз:

- Ҳа, Шукур ака тинчликми?- сўраган бўлдим мен.

- Собиржон, тўғри айтган экансиз. Манаву ялпиз, боғ атиргули, қоқигулни қаранг. Уларни босмаслик керак экан...

Ҳа, биз ҳамиша оёғимиз тагини авайлашимиз керак экан!

**Собир ЁДИКОВ,**
**Бойсун**

*Самарқанд томонларда*

# ҲАФТАЛИК ЎҚУВ

Самарқанд Қишлоқ хўжалиги олийгоҳида вилоятдаги мавжуд барча жамоа ҳамда ширкат хўжаликлари раҳбарлари, туман ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарларининг ҳафталик ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ўқув машғулотларида вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари қишлоқ хўжалигига доир қонун ҳужжатлари ва уларни амалга оширишдаги муаммолар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқлари ҳақида тушунча беришди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан олиб борилаётган ишлар кўлами ва бу борадаги вазифалар ўқув қатнашчилари эътиборига етказилди.

# БИР КУНЛИК СЕМИНАР

Самарқанд шаҳрида вилоят адлия бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида тадбиркорлар ва фермерлар иштирокида бир кунлик семинар-йиғилиш ўтказилди.

Семинар-йиғилишда тадбиркорликка оид қонун хужжатлари ижроси учун масъул идоралар раҳбарлари кун тартибига доир масалалар юзасидан маърузалар қилишди. Маърузалар ниҳоясида тадбиркорлар ва фермерлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**А.Худойбердиев**





Равшан Мамараҳимов 32 йилдан бери савдо соҳасида ишлаб, ўзига хос мактаб яратган савдо ходимларидандир. У ҳозир Булунғур туманининг "Ғалабанинг 40 йиллиги" кўчасидан 00,9 гектар ер олиб, "Олимжон" хусусий фирмасини очди. Фирма эрта-ю кеч ишлаб турибди. Бундан мижозлар хурсанд. Р.Мамараҳимов бу билан чекланмасдан техникаларни ювиш хонасини ҳам ишга туширмоқда.

**Суратларда: 1. (ўртада) фирма бошлиғи Равшан Мамараҳимов, Аслон Қурбонов, Жамол Орзиқуловлар.**
**2. Хусусий тадбиркор очган АЁҚШнинг умумий кўриниши.**

**Нур МУҲАММАД олган суратлар**

*Таълим ва қонун*

# ЭРТАНГИ КУН ТАШВИШЛАРИ

*Суҳбатдошимиз Акбархон ТУРСУНОВ 1958 йили таваллуд топган. 1981 йили Тошкент Давлат юридик институтини битирган. 1984 йилдан буён прокуратура идораларида. Ҳозирда эса Дўстлик туман прокурори вазифасида хизмат қилмоқда. Тўрт нафар фарзанднинг отаси.*

**- Инсон мақсадсиз яшай олмайди. Миллионлаб инсонлардан таркиб топган жамият эса ўз олдига улкан мақсадларни қўйиб, унга эришиш йўлларини топа билганда, тараққиёт сари дадил одимлайди. Келажак, улуғ мақсадлар ҳақида гапирганда, беихтиёр уларнинг эгаси — бугунги ёш авлод кўз олдимизга келади, шундай эмасми?**

- Модомики, суҳбатимиз улуғ мақсадлар ва ёш авлод ҳақида экан, аввало эсимга машҳур француз файласуфи Дени Дидронинг шундай бир доно фикри тушади: «Агар мақсадсиз бўлсанг, ҳеч нарса қилолмайсан, - дейди у, - мақсадинг катта бўлмаса буюк ишлар қилолмайсан». Гарчи бу теран фикр алоҳида шахсга қаратиб айтилаётгандай туюлса-да, уни бевосита жамиятга ҳам тааллуқли дейиш мумкин.

Шубҳасиз, улкан мақсадларни дилга тугиш, буюк келажакни кўзда тутиб дадил ҳаракат қилиш учун аввало, инсон эркин бўлмоғи, у яшаб турган жамият, юрт озод бўлмоғи керак. Яқинда ўн йиллигини байрам қиладиган истиқлолимиз ҳаммамизга шу қутлуғ имкониятни яратиб берди. Истиқлолнинг буюк неъматини мен биринчи галда одамлар онгида юз берган ўзгариш, янгиланишларда кўраман. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотлар, тобора соғломлашиб, куч олиб бораётган жамиятимиз ўз олдига буюк келажакни яратишдек улуғвор вазифани қўйгани Ватан эртасини ўйлаган, унинг ташвиши билан нафас олаётган ҳар бир ўзбекистонликка куч-қувват бағишлайди. Ватан эртаси эса бугун биз парваришлаб, таълим-тарбия бераётган фарзандларимизники.

Ўзингизга маълум, ёшлар масаласи ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида. Буни фақат халқимиз эмас жаҳон ҳамжамияти катта қизиқиш билан эътироф этиб турибди. Ўзбекистонимиз тараққиётини таъмин этишга қаратилган стратегик мақсадларни ўзида мужассам этган **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»** айни пайтда муваффақият билан амалга оширилмоқда. Бунга ўрта махсус ва касб-ҳунар муассасалари фаолиятининг тубдан янгиланганини, шу кунгача мамлакатимизда замонавий талабларга мос 260 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда 47 та академик лицейлар фойдаланишга топширилганини далил сифатида келтириш мумкин. Дарвоқе, **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»**да шундай дейилади: «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс — фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касб бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади».

**- Бугунги кунда вояга етмаганлар билан ишлаш нафақат оила ёки мактабнинг, балки ҳуқуқ-тартибот идораларининг муҳим вазифасидир. Тўғри, мактаб партасидаёқ қонун-қоидалардан хабардор бўлиш кишининг келажакдаги турмушида, жамиятда ўз ўрнини топишида, ҳаётда тўғри яшаб, ҳалол меҳнат билан кун кечиришида маънавий асос яратади. Лекин бу тўхтаб қолмаслиги, ҳаёт билан ҳамнафас жараёнга айланиши керак. Бу борада Дўстлик туманида ишлар қандай?**

- Президентимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида: «Барчамиз бугун ҳаёт олдимизга қўяётган бир аччиқ ҳақиқатнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлида, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимиз ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади», деб таъкидлаган эди. Бу сўзларни ёшлар билан ишлашда диққат-эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган энг асосий вазифа деб билмоғимиз керак.

Дўстлик тумани аҳолисининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этади. Айни пайтда туман ҳудудида ўн саккизта таълим муассасаси ишлаб турибди. Шулардан 12 таси ўрта мактаб, иккита бошланғич ва 3 та таянч мактаби ва битта лицейда олти юзга яқин болалар таълим олмоқда. Бошқа жойларда бўлгани каби бизнинг туманимизда ҳам оз бўлса-да, ҳеч қаерда ўқимай, бирор-бир фойдали меҳнат билан шуғулланмай юрган ёшлар учрайди. Аниқроғи, улар бир юз йигирма уч нафар. Афсуски, ҳозирча на туман меҳнат бўлими, на қишлоқ фуқаролар йиғини ва ёшлар билан ишлаш бўлимлари бу ёшларни ишга жойлаштириш, бирор-бир касбга ўргатиш борасида қайғургани йўқ. Биз бундай лоқайдликларнинг олдини олиш чораларини кўраяпмиз.

Ҳозирги пайтда Дўстлик қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ёшларга таълим-тарбия бериш ишлари бирмунча намунали йўлга қўйилган деса бўлади. Ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатаётган 25 нафар педагогнинг 18 таси олий маълумотли. «Ҳуқуқшунос», «агроном» йўналишларида билим олаётган ўқувчиларга барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Коллеж спорт залида ўқувчилар спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланишади, кийиниш, ювиниш хоналари тоза-озода, овқатланиш учун қулайликлар мавжуд. Ўқувчиларнинг дунёқарашини ўстириш, маънавий дунёсини бойитиш мақсадида тез-тез турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб турилади. Яқинда иқтидорли болалар лицейи билан тиббиёт билим юрти ўртасида «Сиз қонунни биласизми?», «Ҳуқуқбузарлик нима?», «Ёшлар нима сабабдан жиноят ва ҳуқуқбузарлик йўлига кириб кетадилар?» каби мавзуларда ўтказилган ошкора суҳбат-мулоқотлар ўқувчиларни теварак-атрофимизда, жаҳонда юз бераётган ҳодисаларга тийран назар билан қараш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб шаклланишга руҳлантирди.

Айни пайтда бу ўқув масканлари ҳали замонавий компьютерлар, ўқув дарсликлари билан юз фоиз таъминланмаган, айрим фанлар, жумладан, тарих, биология, кимё бўйича етук мутахассис-педагоглар етишмайди. Қолаверса, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли, мароқли ўтказиш мақсадида қизиқарли танловлар, мусобақалар ўтказиш изчил йўлга қўйилмаган.

**- Болаларнинг жисмоний соғломлиги ҳам уларнинг ақли тиниқ, онги теран бўлиб ўсиши омилидир. Бу хусусиятлар кўпроқ уларнинг парваришига ҳам боғлиқ. Тумандаги билим масканлари, мактабгача тарбия муассасаларида бу борадаги ишлар қай даражада?**

- Очиғини айтсам, бу борада туманда мақтовга арзигулик ишлардан кўра муаммолар кўпроқ. Мана қаранг, халқ таълими бўлимига қарашли 18 та болалар боғчалари аксарияти гарчи замонавий биноларда жойлашган бўлса-да, сув билан иситиш тармоғи билан таъминланиши яхши эмас. Ошхоналар ички оқар сув тизимига эга, аммо уларга сув чиқмайди. 2000 йилда боғчаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши таҳлил этилганда анчагина камчиликлар мавжудлиги аён бўлди. Хусусан, гўшт маҳсулоти билан таъминлаш режада 31941,7 кг бўлган ҳолда 23031 кг, яъни 72 фоиз олинган. Шакар, сарёғ, тухум маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам режадагидан анча паст. Туман санитария эпидемиология маркази ходимлари томонидан юқумли касалликлар профилактикаси бўйича ўтказилган назорат чоғида баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотлари, сув намуналаридан касаллик тарқатувчи микроблар учрагани маълум бўлган.

Туман бўйича 17 та умумий ўрта таълим мактаблари ишлаб турган бўлса, шундан 11 таси замонавий, 6 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. Уларда 8567 ўрнига 12596 нафар бола ўқимоқда.

Албатта, тумандаги ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига вақтида моддий ёрдам кўрсатиб турилибди. Бунга мисол тариқасида, ўтган йили 1800000 сўмлик дарслик, 4180,7 минг сўмлик кийим-кечак бепул тарқатилганини келтириб ўтиш мумкин.

Умуман олганда туманда ёш авлод тарбиясига, парваришига берилаётган эътибор, фарзандларимизнинг баркамол бўлиб шаклланиши йўлидаги ҳаракатлар сезиларли даражада дейиш мумкин. Бироқ ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳали оз эмас. Бугунги кун тақозо этаётган вазифалар, юртбошимизнинг барча соҳа ходимлари олдига ёшлар таълими ва тарбияси борасида қўяётган талаблари ҳаммамизнинг масъулиятни теран ҳис этиб, фаоллик билан ҳаракат қилишимиз зарурлигини кўрсатиб турибди. Эртанги куннинг ташвишлари биздан фидойи ва жонкуяр бўлишни талаб этаётир.

**Суҳбатдош:**
**Нурмамат АЛМУРОДОВ,**
**«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири**



**Суратда: А.Турсунов мактаб ўқувчилари билан.**

